



Туркийшунослик илмининг асосчиси, машхур филолог олим ва этнограф Махмуд Кошгарийнинг таржима холи хакида маълумотлар жуда оз бўлиб, уни тахминан 1029 — 1030 йилларда тугилган, деган фаразни илгари сурадилар. Келиб чиқиши жихатидан у корахонийлар сулоласига мансуб. Отаси Хусайн ибн Муҳаммад Барсган шахри хокими бўлган.

У бошлангич маълумотни ўз кишлогида олиб, кейин ўкишини Кошгарда давом эттирган, араб, форс ва туркий тилларни чуқур ўзлаштирган. Бухоро, Самарканд, Марв, Нишопур шаҳарларидаги донгдор мадрасаларда илмини такомилга етказган. Мамлакатдаги ички низолар туфайли 1056—1057 йилларда тугилган юртини тарк этиб, 15 йил мобайнида турли туркий халклар орасида яшаган, уларнинг тили, адабиёти, тарихи, урф-одат ва анъаналарини мукаммал ўрганган, кўплаб мақоллар, сўзлар, шеър ва кўшиқларни ёзиб олган. Сўнг Бағдодга бориб, тўплаган материаллари асосида (1072, баъзи манбалари 1074) дунёга машхур «Девони луготит турк» («Туркий сўзлар девони») асарини яратади ва уни аббосий хукмдорлардан Абулкосим Абдуллох бинни Мухаммадил Муктадога бағишлайди. «Ушбу асар туркий халклар тарихидаги диалектологик, изоҳли, этнографик, тарихий-этимологик лугатларнинг барча унсурларини камраб олувчи дастлабки универсал лугат бўлиб, ўз муаллифини дунёга улуг адабиётчи, тарихчи, географ ва бошқа кўп фанлардан яхши хабардор бўлган йирик фан арбоби, комусий олим сифатида танитади» (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент, 2003 йил, 77-бет.).

Олим асарига ўзи тузган дунё харитасини ҳам илова қилади. Харитада мамлакат, шаҳар, кишлоқ, тоғ, чўл, денгиз, дарё қабиларнинг иомлари ёзилган. Харитада акс этмаган баъзи бир номлар лугат матнида изоҳланган. Харита, асосан, Шаркий ярим шарга тўғри келади. Махмуд Кошгарий ўз харитасида ер юзининг маркази сифатида Ўрта Осиё — она юрти Иссиқкўл билан Болосогун оралигидаги ерларни олади. Холбуки, ўша даврда тузилган хариталарда ер юзининг маркази сифатида Макка ва Мадина олинарди. Халқ жонли тилига алоҳида муҳаббат билан қараган Махмуд ёшлигидан халқ оғзидан эшитган сўзлар, образли иборалар, шеърларни тўплаб юрган. Кейинчалик бу кизиқиш аниқ илмий мақсадга айланиб, у туркий қабил ва уруғлар, уларнинг келиб чиқиши, номланиши, жойлашиш ўринлари, айниқса, тил хусусиятлари ва урф-одатлари, фольклорини синчиклаб ўрганиш мақсадида бутун Яқин ва Ўрта Шарқни кезиб чиқади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади:

«Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирқиз (қирғиз)ларнинг шаҳарларини, кишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, лугатларини тўпладим, турли сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфахмларидан, эски қабилаларидан, жанг устида уста найзадорларидан эдим. Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирқиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим».

Чиндан ҳам, «Девону луготит турк»ни ўша даврларда Марказий Осиё минтақасида яшаган туркий халқлар ҳаёти ҳақидаги комусий асар деб аташ мумкин. У тилшуносликка оид бўлса-да, унда 7500 дан ортиқ сўз ва ибораларни изоҳлаш учун ўнлаб туркий халқлар тарихига оид қадимий афсона ва ривоятлар, 300 га яқин мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, 700 мисрадан зиёд шеърини парчалар келтирилади. Шеърини парчаларнинг кўп қисми туркий халқлар оғзаки ижодида хос бўлган тўртликлардан иборат. Масалан, отанинг ўғлига насиҳати ўз ифодасини топган бир тўртликни келтирайлик:

Бакмас будун савук сўз,

Юдки юзи саранка.  
Казган улич тузўнлук,  
Калсун чавинг йаринка.

Мазмуни:

Бокмас жахон совук сўз,  
Шилким, юзсиз, бахилга.  
Ёкимли бўл, хушхулк бўл,  
Колсин номинг кўп йилга.

Асарда илмнинг фазилати, олимликнинг ахамияти улугланган шеърларга ҳам кўп дуч келади. Махмуд барча эзгу инсоний фазилатларни илм билан богласа, жахолат, кибр, ёвузлик, золимлик, адолатсизлик каби иллат-нуксонларни билимсизликдан деб билади. Шунинг учун ҳам оталар номидан фарзандларга айтади:

Ўрган анинг биликин,  
Кунда ангар бору.  
Куткуликни тапингин,  
Кўзгил кўваз нару.

Мазмуни:

Ўрган унинг билимин,  
Боргил ўшал сари.  
Кутлуг ишга бўйсунгин,  
Кибрни кув нари.

«Девон»даги бир қисм шеърлар ислом даври шеърлятига хос байт шаклида бўлиб, бу туркий адабиётда арузга ўтиш бошланганидан гувоҳлик беради. Бундай шеърларни муаллифнинг ўзи уржузлар деб атади:

Келса кали йаглиг бўлиб йўнчиг ума,  
Келур аниг бўлмиш аниг тутма ума.

Мазмуни:

Келса агар хонанг узра гариб мехмон, Бор нарсангни олдига кўй, бўл мехрибон.  
Кўриниб турибдики, «Девон»даги шеърларнинг аксарияти панд-насихат мазмунида.  
Улар халқ асрий тажрибаларининг тажассумидир. Бинобарин, бу шеърлар фақат XI асрга тегишли бўлмай, балки аввалги асрларга ҳам оиддир. Чунончи:

Билга эран савларин алгил ўгут,  
Эзгу сави эзласа, ўзга сингар.  
Ардаги тила ўгранинг, бўлма куваз,  
Ардашсизин — ўгунса анга ангар.

Мазмуни:

Олим киши сўзидан олгил ўгит,

Эзгу сўзни эшитсанг, дилга сингар.

Илм-хикмат ўргангин, бўлма кайсар, Химмати йўк мактанчок йўл йўкотар.  
Албатта, «Девон»даги шеърларнинг мазмуни ранг-баранг: унда пейзаж лирикасининг  
гўзал намуналарига ҳам, кураш ва жанг манзаралари тасвирига ҳам, мадхия ва марсия  
кўшиқларга ҳам дуч келамиз. Чунончи, бахор ёмгиридан кейин гунчаларнинг очилиб,  
гулларнинг хуш бўй таратиши куйидагича тасвирланади:

Ягмур ёғиб санчилди,  
Турлук чачак сучулди,  
Инжу коби очилди,  
Чиндан йипор югрушур.

Мазмуни:  
Ёмгир ёғиб сочилди,  
Турли чечак очилди,  
Инжу копи очилди,  
Ифор хидлар сочилди.

«Девон»да жуда гўзал, хассос ва ўйноки ишкий термалар ҳам учрайди:

Булнар мени улас кўз, Кара менгиз, кизил юз.  
Андин тамар тукал туз, Булнап яна ул качар.

Мазмуни:  
Асир этди хумор кўз,  
Кора холли, кизил юз,  
Дудогидан томар бол,  
Асир айлаб, бокмас ул.

«Девон»даги баъзи йирик парчаларга шартли равишда «Тангутлар билан жангнома»,  
«Уйгурлар билан жангнома», «Ябакку билан жангнома», «Алп Эр Тўнга мар-сияси»,  
«Киш билан ёз мунозараси» деб ном қўйилган. Марсия 44 мисрадан иборат бўлиб, унда  
халқ ўзининг севимли қахрамони ва йўлбошчиси Алп Эр Тўнга ўлими муносабати билан  
аслида ўзининг бой берилган имкониятлари — парчаланган мамлакат, таназзулга юз  
тутган салтанат, мавхум истикбол учун ҳам кайгуради. «Киш ва ёз мунозараси» эса  
бизгача етиб келган мунозара жанрининг илк намунаси эканлиги билан кадрли. Унда  
табиат манзаралари ташбеҳу тимсоллар воситасида ёркин ифодаланган, туркий  
халқларнинг қувончу кайгулари, яшаш тарзи, урф-одат ва анъаналари ўз аксини топган.  
«Девон»даги барча шеърлар халқ оғзаки ижодига мансуб бўлмай, уларнинг баъзилари  
муайян шоирларга тегишли. Муаллиф томонидан қўлланган «шоир шундай дейди»,  
«шоир бир кишига хитоб килади», «шоир севгилисининг юзини ойга, бўйини санавбар  
шоҳига ўхшатиб сифатлайди» каби иборалар шундан далолат беради. У хатто Чучу,  
Аъша деган шоирлар номини ҳам келтиради.

Махмуд Кошгарий ўз фикрларини далиллаш учун кўплаб халқ маколларига ҳам мурожаат  
килади: «Ардам боши тил» — «Адабнинг боши тил», «Кут билгуси билик» — «Билим бахт

белгиси», «Эмгак экинда колмас» — «Мехнат ерда колмас», «Ош тотиги туз» — «Ошнинг таъми туз билан», «Кўркмуш кишига кўй боши кўш кўринур», «Ит исирмас, от тепмас дема» — «Ит копмас, от тепмас дема», «Тома-тома кўл бўлур», «Бир карга билан киш келмас», «Курук ёгоч эгилмас», «Курук кошик огизка йармас» — «Курук кошик огизга ёкмас», «Алп чиранда, билка тиракда» — «Ботир жангда, олим сухбатда (синлар)», «Куз келиги ёзин балкурур» — «Кузнинг келиши ёздан билинар», «Тави силкинса, бир эшакка юк чикар» — «Туя силкинса, бир эшакка юк чикар», «Ут тутунсиз бўлмас, Иигит ёзуксиз бўлмас» ва хоказо.

«Девону луготит турк» туркий тилларнинг ривожлангани, уларнинг маданий хаёт, жумладан илм-фанда кенг ўрин эгаллаганини кўрсатади. Унинг адабий ахамияти ҳам катта. Бу ҳақда Кошгарийнинг ўзи: «Мен бу китобни махсус алифбо тартибида хикматли сўзлар, сажълар, маколлар, кўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим», — дейди. У баъзи адабий жанрлар, вазн, истиора, ўхшатиш ва бошқа назарий масалалар хусусида йўл-йўлакай маълумот бериб ўтади. «Девон»да келтирилган шеърлар исломдан бурунги туркий шеъриятнинг жанрлари, шакли, бадиияти, тасвир воситалари тўғрисида тасаввур тугдириши жихатидан ҳам алоҳида ахамиятга эга. Бу шеърий намуналар туркий шеъриятнинг асосий ўлчови бармок вазни эканлигини кўрсатади. Асардаги шеърларнинг мазмуни, тили ва услубига караб, уларнинг анча илгари яратилганлиги ва тилдан-тилга ўтиб, муаллиф давригача етиб келганлигини тахмин қилиш мумкин.

«Девону луготит турк» ўз даврининг илмий тили бўлмиш араб тилида ёзилган. Унда Ўрта Осиё халқларининг X—XI асрлар ва ундан олдинги даврларда яратилган бадиий ижод намуналари тўпланган. Муаллиф Ўрта Осиёдаги деярли барча халқлар хаёти, тарихи, турмуш тарзи, тили, фольклори, урф-одат ва маросимларини чуқур ўрганган. Китобда туркий халқлар тилининг лугат таркибини ташкил этган сўзларнинг маъноси араб тилида тушунтирилиб, мисол тариқасида улар ишлатилган шеърлар ва маколлар келтирилади. «Девон»да нафакат сўзларнинг кўлланилиши, балки келиб чиқиши ҳам батафсил изоҳланган. Шунингдек, унда туркий халқлар этногра-фиясига оид жуда қимматли маълумотлар мавжуд. Ўрта Осиё шаҳарларидан айримларнинг номларига изоҳ бериб ўтилган. Масалан, Тошкентни Таркен тарзида кўрсатиб, у Тош шаҳар демақдир, деб ёзади. Ёки Самаркандни «Самиз канд» — Катта шаҳар деб аталишини айтади. «Девону луготит турк» нафакат лугат, айни пайтда, ниҳоятда мукамал ишланган грамматик кўлланма ҳамдир.

«Девон»да келтирилган шеърлар исломдан бурунги туркий шеъриятнинг жанрлари, шакли, бадиияти, тасвир воситалари тўғрисида тасаввур тугдириши жихатидан ҳам алоҳида ахамиятга эга.

«Девону луготит турк» барча туркий халқларнинг муштарак ёзма ёдгорлигидир. Махмуд Кошгарий «Девону луготит турк»дан илгари «Жавохирун-нахви фи луготит-турк» («Туркий тиллар синтаксиси коидалари») номли асар ҳам яратган, лекин у ҳозиргача топилган эмас.

Махмуд Кошгарий 1118 йили ватанига қайтиб, Ўпалдаги Азик кишлоғида Хазрати Мулло тоғи этагидаги тепалиқда жойлашган мадрасада дарс берган ва илмий ижод билан шугулланган. У 1125 (ёки 1126) йилда 97 ёшида вафот этиб, Ўпалдаги аждодлари макбарасига дафн этилган. Макбара ҳозиргача «Хазрати Мулло мазори» номи билан машхур.

«Девону луготит-турк» асари туркий тилшуносликка бағишланган илк асар эканлиги

билангина эмас, балки туркий тиллар фонетикаси ва этимологиясининг асосий конунлари аниклангани ва кенг ўрганилганлиги билан ҳам кимматли. Шунинг учун ҳам асарнинг қўлёмаси топилиши билан у жахон туркшуносларининг эътиборини ўзига тортди. 1914 йилдаёқ машхур немис олими Карл Броккелман асардаги шеърий парчаларни немисчага таржима қилиб чоп қилади. 1939—1941 йилларда турк олими Босим Аталай «Девон»ни туркчага ағдариб, уч жилдда нашр эттиради. Китоб озарбайжон тилига ҳам таржима бўлган. А. Боровков, А. Кононов, Н. Баскаков, В. Решетов каби рус, С. Муталлибов, Г. Абдурахмонов, А. Каюмов, А. Рустамов каби ўзбек олимлари ҳам асар устида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. С. Муталлибов уни ўзбекчага ўгириб, 1960 — 1963 йилларда уч жилдда эълон қилган. Шеърларни А. Каюмов таржима қилган. Машхур рус шарқшуноси В.В. Бартольд таъкидлаганидек: «Махмуд хаёт воқеаларини, факт ва далилларни ўз қўзи билан қўриб, билиб ёзгани учун бу асар ҳамон ўзининг илмий, тарихий, маърифий кимматини саклаб келмокда». Рус олими А.М. Шчербак айтган эди: «Махмуд Кошга-рийнинг «Девон»ига на материалнипг хажми жихатидан, на муаллифнинг филологик билими жихатидан бас келадиган бирор асар бор. «Девон»нинг лугат деб аталиши унинг асл мазмунига унча мос келмайди. Бунда туркий тиллар грамматикасидан жуда кенг маълумотлар бор. Яна унда туркий тиллар лексикаси, фонетикасига доир кенг маълумотлар, кабилаларнинг жойлашиш хусусиятлари, географик ва бошка хил маълумотлар мавжуд». Шарқшунос П.К. Жузе ёзади: «Дадил айтиш мумкинки, якипдагина (XIX аср) охирларида) Россия ва Шарқда ўрганилган туркий тиллар фонетикаси ва этимологиясининг асосий конунлари XI асрдаёқ Махмуд томонидан аникланган ва ўрганилган эди. Махмуднинг бу текширишлари шу қадар кенг ва чуқурки, хатто бундай асар XIX асрда ёзилганида ҳам, унга шон-шараф бўлар эди. Махмуд Кошгарийнинг «Девон»и сингари асар фан ола-мида кейин ҳам яратилган эмас. Унинг асари бамисоли туркий комусдир».

Эргаш Очиловнинг  
"Бархаёт сиймолар" китобидан